



Mahalla

Газета 1996 йил январь оқидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

- 2** ▶ Бойчиборни эгарлаган Болтабой
- 3** ▶ Валентина маҳалладошларидан миннатдор!
- 4** ▶ Ишқ куйчисининг ишқи тарихи
- ▶ Авжи гуллаб турганда ўтин бўлган дарахтлар
- ▶ Юридик клиника — беминнат маслахатчи
- ▶ Тилла момо яна бешик безатди...

Бугун Тошкентда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирокида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ўз ишини бошлайди.

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Афғонистон муваққат маъмурияти раҳбари Хамид Карзай ҳамда Мўғулистон делегацияси меҳмон сифатида қатнашади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити чоғида ушбу халқаро ташкилот фаолияти доир масалалар ва долзарб халқаро муаммолар муҳокама этилади.

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси ақунлари бўйича қатор қўшма ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашуви доирасида Тошкентда ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтади.

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ: ЯНГИ АСРДА ЯНГИЧА ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тақдирга биноан 14 июн кун Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Хитой билан муносабатлар алоҳида ўрин тутди. БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси, иқтисодий жадал ривожланган бу давлат билан ҳамкорлик қилиш иқтисодий ривожланишда, миллий ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда, глобаллашув жараёни чуқурлашган ва турли сиёсий ўзгаришлар даври бўлган ҳозирги шароитда халқаро сиёсат майдонидан муносиб ўрин эгаллашда катта аҳамият касб этади. Халқаро муаммоларни ечишда тобора фаол қатнашаётган, дунёда эътироф этилган «Хитой модели» тўғрисида янги ички мақсулоти бир неча йилдан бунён 7-8 фоиз микродо барқарор ўсиб келаётган бу давлат дунёнинг етакчи мамлакатлари қаторидан жой олган.

Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Зеро, ташқи дунё билан алоқаларни кенг бўлашда ривожлантириш йўлидан бораётган мамлакатимиз ўз минтақасида хавфсизликнинг асосий таянчи вази фасини ўтаётгани, унинг юксак сиёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Халқларимиз қадимдан Буюк Ипак йўли орқали бир бири билан алоқа қилиб, фани ва маданиятини бойитиб, таъриҳи алмашиб келган. Хитойликлар айрим қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, хусусан, узум ва беда етиштиришни Урта Осиё халқларидан ўрганган. Бу ерда эса Чин юртининг ипакичилиги ва эриш техникаси ўзлаштирилган.

Ўзбекистон—Хитой муносабатларини ривожлантириш Буюк Ипак йўли орқали ўрнатилган ва раванк тулган тарихий алоқаларни тиклаш ва ҳозирги замонавий ҳамкорликни кенгайтириш нуктаи назаридан ҳам долзарбдир. Икки мамлакат давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч, муносабатларимизнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамлиги бунинг учун қулай замин яратди.

Шиддат билан ўзгараётган бугунги сиёсий, иқтисодий-иқтисодий вазият нафақат Ўзбекистон ва Хитой каби яқин қўшни давлатлар, балки бутун дунё мамлакатларининг ҳамжиҳатлигида иш олиб боришни тақозо этмоқда. Глобаллашув жараёни ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни ҳамда транспорт ва коммуникация алоқаларини ривожлантиришни, террорчилик, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасининг, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олишни, сиёсий алоқаларни янада ривожлантиришни талаб қилмоқда.

Мана шу масалаларнинг ўзиде Ўзбекистон—Хитой муносабатларида ҳамкорлик учун кенг фаолият майдони мавжудлигини кўрсатади. Энг муҳими, алоқаларни ривожлантиришдан, бир-бирини қўллаб-қувватлашдан икки мамлакат ҳам бирдек манфаатдордир.

Шу маънода, ХХР Раисининг Ўзбекистонга давлат ташрифи ўзаро алоқаларнинг бугунги аҳволини олиб даражада таҳлил этиб, истиқболларини белгилаб олиш, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият яратди.

15 июн кун «Дўрмон» қароргоҳида ХХР Раиси Ху Цзиньтаон расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва ХХР Раиси Ху Цзиньтао шохсўпага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат махфиялари янгради. Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Ислам Каримов ва Ху Цзиньтаоннинг яқма-яқма суҳбатиде Ўзбекистон—Хитой муносабатларидаги масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатларимиз сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келаётгани, хавфсизлик масалалари борасидаги алоқалар фаоллашаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Дарҳақиқат, томонлар эътироф этганларидек, айни пайтда Ўзбекистон—Хитой муносабатлари ўз тарихидаги энг юқори поғонага кўтарилган. Бунинг энг муҳим омилли ҳамжиҳатлиқдир. Дунёдаги вазият қандай йўналишда ўзгармасин, Ўзбекистон ва Хитой яқин қўшничиликни, дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантираверди. Зотан, мамлакатларимизнинг қатор халқаро муаммоларга муносабат ва ёндашувлари ўхшаш ёхуд яқин.

Айниқса, террорчилик, айирмачилик, экстремизм ва нарқобизнес каби хавфсизлик таҳдид солувчи иллатларга қарши курашда мурасасизлик тамойилга ҳар икки давлат бирдек қатъий таянади. Томонларнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорлигида ҳам хавфсизликни таъминлаш масаласи устувор йўналишлардандир.

Ўзбекистон раҳбари кўп йиллардан бунён жаҳон ҳамжиҳатини билан иллатларга қарши курашда берилашга даъват этиб келмоқда. Хитой томони эса халқаро доирада террорчилик, экстремизм ва айирмачиликни англаувчи «ч ўвз куч» атамасини киритди. Ўзбекистон Хитойнинг «хавфсизлик камари» тамойили — қўшни давлатлар билан алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш орқали хавфсизликни таъминлаш ва тараққиётни жадаллаштиришга асосланган ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик катта сурият билан ривожланмоқда. Жорий йилнинг январь-апрел ойлариде ўзаро савдо ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 134 фоиз ошиб, 220 миллион АҚШ долларига етди. Ҳозирги вақтда умумий қиймати 100 миллион АҚШ долларига тенг қатор икки томонлама лойиҳалар амалга оширилмоқда. Музоқара жараёнида турган жами лойиҳаларнинг умумий қиймати эса 1 миллиард доллардан ошади.

Ислам Каримов ва Ху Цзиньтао бу кўрсаткичлар барча имкониятлар ишга солинганини англамаслигини, мамлакатларимиз салоҳияти инобатга олинмаган бўлса, уларни янада ошириш учун барча зарур шароит мавжудлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Хитой делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музоқарасида ҳамкорликнинг амалий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилди.

Икки мамлакат тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги, машинасозлик, кимё, коммуникация соҳаларида

ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Лекин замон билан ҳамкадам бўлиш учун аънавий соҳалар билан чекланиб қолмаслик керак. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес вакилларининг ҳамкорлигини рағбатлантирувчи механизмларни, савдо-иқтисодий муносабатларни имкон қадар эркинлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, бу йўлда учрайдиган тўсиқларни бартараф этиш лозим.

Президент Ислам Каримов захирадаги имкониятлар кўпчилигини таъкидлар экан, Ўзбекистон Хитой билан нефт-газ ва минераллар конларини ўзлаштириш, волфрам ва бошқа қимматли металлларни казиб олиш, кимё саноати, электроника маҳсулотлари ва компьютер техникаси ишлаб чиқаришда ҳамкорлик қилишга тайёр эканини айтди.

Кўп томонлама ҳамкорлик борасида ҳам қилиниши мумкин ва лозим бўлган ишлар талайгина. Масалан, Афғонистон иқтисодиётини тикланиши, у ерда барқарор тинчлик ўрнатилиши мамлакатларимиз манфаатларига бирдек мос келади. Демак, Афғонистондаги тикланиш ишларида биргаликда фаол қатнашиш, жумладан, минтақада янги транспорт алоқаси тармоқларини барпо этиш мақсада мувофиқдир.

Ижтимоий алоқаларда ҳам ҳамкорликни янада фаоллаштириш зарур. Томонлар Ўзбекистонда ўтган Хитой маданияти кунларида юқори баҳо бера экан, бундай тадбирларни кўпайтириш халқларимизни яқинлаштиришда муҳим омил бўлишини қайд этдилар. Зеро, халқ дипломатияси давлатлараро муносабатларнинг муҳим бўлини саналади.

Ўзбекистон ва Хитой илм-фан, маданият, таълим, сайёҳлик, спорт, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда ҳам алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор. Мулоқот чоғида бу йўналишлардаги ҳамкорликни ҳар томонлама рағбатлантириб боришга келишиб олинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида талай ишлар қилинди. Лекин амалга оширилган зарур бўлган вазифалар бундан-да салмоқли. Президент Ислам Каримов ўзаро шериклик муносабатларини кенг кўлашда ривожлантириш бўйича катта битим тузишни тақдир қилди. Томонлар уни тайёрлашга киришиш кераклигини таъкидладилар.

Музоқаралар якунида Ислам Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасида шериклик муносабатлари, дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма декларацияни имзоладилар.

Икки мамлакат ҳўкуматлари ўртасида нарқобиз воситаларининг, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши ва суиистеъмол этилишига қарши курашда ҳамкорлик қилишга, техникавий-иқтисодий ҳамкорликни оид битимлар имзоланди. Иккинчи битимга мувофиқ, Хитой томони техникавий-иқтисодий ҳамкорлик бўйича дастурлар учун 20 миллион юан ажратди. Ҳўкуматлараро имзоланган бошқа икки битим 50 миллион юанлик фоизсиз ва 300 миллион юанлик имтиёзли кредит беришни кўзда тутди. Савдо-иқтисодий, сарқомой ва молиявий ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги

меморандум эса мазкур соҳадаги алоқаларни ривожлантириш учун қулай имконият яратишга қаратилган. Булардан ташқари, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Хитой Таълим вазирлиги ўртасида Тошкентда Конфуций номидаги институтни ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим, шунингдек, икки мамлакатнинг Адлия ва Маданият ишлари вазирликлари ҳамда нефт-газ компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳўжатлар имзоланди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари оммавий ахборот воситалари учун берган баёнотида музоқаралар дўстлик, очкилик, ишанчлик руҳида ўтганини, муҳокама қилинган барча масалалар бўйича ҳамкорлик мавжудлигини таъкидладилар. Ташриф натижалари ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтаришига ишонч билдирди.

Ислам Каримов Ўзбекистон Хитойни улкан салоҳиятга, беқийёс маданый мерос ва бой тарихга, юксак нуфузга эга, олдига қўйган мақсадлар сари оғимчи барқарор ривожланиш йўлидан бораётган қўшни давлат деб билишини таъкидлади. Ху Цзиньтаоннинг ташрифини ўзаро муносабатларимиз тарихидаги муҳим воқеа, деб баҳолади. Дарҳақиқат, бунун имзоланган 10 ҳўжат алоқаларимизнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлабгина қолмай, уларга янада салмоқли мазмун бахш этади. Истикболдаги режада эса ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига олиб чиқишга қаратилган ҳўжат таърибди.


ХХР раҳбари ўзаро ишонч ва ҳурмат, икки томонлама манфаатдорликка таянган Ўзбекистон—Хитой муносабатларини халқларимизнинг умий мулки деб атади. Самийий меҳмондўстлик учун давлатимиз раҳбарига чўқур миннатдорлик билдирди. Ху Цзиньтао Ўзбекистон Президентига Хитойга ташриф буюришни тақдир этгани ва Ислам Каримов бунинг мамнуният билан қабул қилгани маълум қилди.

«Дўрмон» қароргоҳидаги учрашувлар ниҳоясига етган, Хитой раҳбари Ху Цзиньтао Ўзбекистон Бош вазирли Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида пойтахтимиз марказидаги Хотира майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ўзбек халқининг озодлиқ учун курашларда қурбон бўлган фарзандларини хотирасига ҳурмат бажо келтириб, «Мотамсарона она» хайкали пойига гулчамбар қўйди.

ХХР Раиси Ўзбекистон тарихи давлат музейида бўлиб, Буюк Ипак йўли тарихи ҳамда Ўзбекистон ва Хитойнинг тарихий алоқалари тўғрисида хикоя қилувчи экспозиция билан танишди. Халқларимизнинг тарихи минг йилларга бориб тақалади. Давлатларимиз гуллаб-яшнаган кезларда ҳам, истило ва истибод даврларида ҳам халқларимиз бир-бири билан алоқани сақлаб қолган ва ривожлантирган.

Хитой раҳбари музейнинг истиқлол йилларига бағишланган залларини кўздан кеңира экан, Ўзбекистон мустақиллик даврида эришган бетимсиз ютуқлар билан танишди. ХХР Раисининг Ўзбекистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ, УзА мухбири



11-15 июнда юртимизда "Хитой маданияти кунлари" бўлиб ўтди. Ушбу тадбир дастурларида хитойлик цирк усталари, созандалари, мусаввиру сураткашлари санъатидан баҳраманд бўлди.
СУРАТДА: хитойлик созанда қиз. Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

ЧОРТОҚДА ГАЗ МУАММОСИ ХАЛ БЎЛДИ

Бугун тумандаги кўпчилик хонадонлар табиий газдан фойдаланиш имкониятига эга. Газдан фойдаланувчи ҳар бир хонадонга газ ҳисоблагич мосламалари ўрнатилган.

Аҳолининг ҳам, хусусий тадбиркорларнинг ҳам газдан қараи қолмади, фойдаланилган газ хақи истеъмолчилар томонидан ойма-ой тўлаб бориляпти. Айниқса, бу муваффақиятлар яқинда туманда бўлиб ўтган вилоят семинар-кенгашида алоҳида таъкидланди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ҳудудий «Газтаъминот» корхоналари масъул ходимлари иштирок этган мазкур кенгашида Чортоқ таърибасини вилоятга оммалаштириш тақлифи илгари сурилди. Чунки тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари газ тақсимлагич мосламаларни, газ ҳисоблагичларни, газ учун тўловларни тўлик ўз назоратига олганлар. Бу эса, албатта, самара берапти.

Солижон УСМОНОВ, «Mahalla» мухбири.

70 ТА ЯНГИ АВТОУЛОВ

Пойтахтдаги «Махсус таъриба автокорхона» очки турдаги ҳиссадорлик жамияти кредит асосида 70 та «Матиз», «Тико», «Дамас» русумидаги енгил автоуловларни олиб келди. Бу транспортлар эскириб қолган автомашиналар ўрнига йўловчиларга хизмат қилади.

Шунингдек, автокорхонадаги «Отайўл» микроавтобуслари ҳам эскириб қолмоқда. Теъда уларни шу турдаги янги автобуслар билан алмаштириш ҳамда фаолиятни янада кенгайтириш масалалари турибди.

«Махсус таъриба автокорхона»да бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда, хусусан, пойтахтда ўз шахсий автоуловларида йўловчилар ташиш билан шуғулланаётганларнинг бошини қовуштириш ҳамда уларга руҳсатнома, йўналишлар белгилаш борасида амалий ишлар қилинди. Транспорт эгалари бундай ташаббусдан мамнун эканликларини таъкидлаб ўтишди. Бу албатта ўз самарасини беради.

Шухрат РАҲИМОВ

«МУРУВВАТЛИ БЎЛАЙЛИК, БИР-БИРИМИЗГА»

Андижон шаҳридаги Тиббиёт коллежиде «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими, вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда вилоят қасаба уюшмалари кенгаши ҳамкорлигида «Меҳр-мурувватли бўлайлик бир-биримизга» деб номланган анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳўқимлиги қотибати мудири, Олий Мажлис депутати Н.Саидов йиғилганларга «Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида Андижон вилоятида амалга оширилаётган ишлар, водий аҳли менталитети ва миллий қадриятлар ҳақида сўзлади. Шунингдек, сўзга чиққан «Меҳр-шафқат» жамғармаси вилоят бўлими раиси, профессор С.Турсунов, коллеж директори Х.Маҳмудовлар ҳаётини мисоллар воситасида қомил инсон тарбиясида муҳим ўрин тутадиган, бизни миллат сифатида бирлаштирган, ўзига ҳослик бахш этган гўзал қадриятлар — меҳрибонлик, аҳиллик, шафқат ва муҳаббат умримизни бетакрор мазмун билан бойитишини қайд этди.

Қизгин баҳс ва мунозаралар асосида ўтган анжуманда бўлажак ишқорлар мавзу юзасидан ўз фикр-мулаҳазаларини билдирдилар.

МУХБИРИМИЗ

Mahalla

— Яна нима дейди?
— Юртимиз катта анжуман арафасида, — дейди.

ҚАДИМ ВОҲА МАҲАЛЛАЛАРИ

Улар ўзига ҳослигини сақлаган ҳолда замон билан ҳамнафас яшамоқда

Буни қарангки, дунёдаги энг кўҳна тарихий китоблардан бири «Авесто»да ҳам бугунги маҳалла тизимига кўп жиҳатдан ўхшайдиган тузилмалар ҳақида маълумотлар келтирилган экан. Демак, маҳалла каби ҳаёт тарзи Хоразмда жуда қадим замонларда ҳам мавжуд бўлган, аجدодларимиз аҳил, ҳамжиҳат яшаганлар.

Айни кунда ҳам Хоразмда маҳаллалар ҳаёти ва фаолиятига кўрсатилаётган эътибор жуда салмоқли. Воҳа маҳаллалари тизим фаолиятида рўй бераётган янгилликлар, ислохотлардан асло четда қолмапти.

Вилоятда ушбу кунда барча соҳа ва жабҳаларда ҳўкуматимиз қарорлари, Президентимиз фармонлари асосида катта ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани яққол кўзга ташланади.

(Давоми 2-саҳифада)

ТАЪТИЛДАГИ БЕЛЛАШУВ



Эътироф

Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида олий ўқув юрти раҳбарлари ва профессор-ўқитувчиларининг хитойлик фоторассомлар делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди. Делегация раҳбари, ХХР фоторафлар уюшмаси вице-президенти ва энг йирик "Синхуа" агентствоси журналисти Ло Гэнцянга катта ижодий муваффақиятлари ва Ўзбекистон—Хитой дўстлиги ва ҳамкорлиги мустақкамлашга қўшган ҳиссаси учун Олий эътироф дипломи ва Камолитдин Бехзод олтин медали топшириди.

ХИТОЙЛИК ФОТО-ИЖОДКОРГА ОЛТИН МЕДАЛ

Сухбат давомида ўзбекистонлик ўқитувчилар олий ўқув юртининг фаолияти ва халқаро алоқалари ҳақида сўзлаб бердилар. Институтда кўп мамлакатлардан талабалар таҳсил олади. Сўнгги йилларда бу ерда Жанубий Кореядан келган талабалар ўқимокда, Хелуан университети (Қоҳира) ўқитувчилари маляка ошириб кетди. Италия ўқув муассасалари билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган, франциялик ҳамкасблар билан музокаралар олиб борилмоқда.

2003 йилда олий ўқув юртининг нуфузли Осиеь маданият меросини бошқариш академияси аъзоллигига қабул қилиниши унинг ютуқлари эътирофи белгисидир. Яқинда арт-менежмент бўйича ЮНЕСКО кафедраси очилди. Унда хорижлик етакчи мутахассислар дарс беради. Институт базасида бадий фотография ва компьютер графикаси, заргарлик санъати ва бадий шишасозлик усталарини тайёрлаш режалаштирилмоқда.

Учрашув ниҳоясида меҳмонлар олий ўқув юрти талабаларининг энг яхши диплом лавралидан ташкил топган бадий асарлар кўргазмаси билан танишди. Намойиш этилган асарлар орасида расмлар, ҳайкаллар, сопол буюмлар, дизайн ишланмалари бор.

Назоат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Хоразм вилояти

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

ҚАДИМ ВОҲА МАҲАЛЛАЛАРИ

Улар ўзига хослигини сақлаган ҳолда замон билан ҳамнафас яшамокда

Шунга яраша вилоятдаги маҳаллалар ҳаётида ҳам ижобий силжешларнинг самараси акс этиб турибди. Фуқароларда, уларнинг истиқомат манзиллари қаер бўлмасин — шаҳар ёки қишлоқми бунёдкорликка, яратувчиликка иштироки ҳисси қўчли. Чунки фаровон турмушга етишишнинг бирдан-бир йўли ҳамжиҳатлик ва бирдамликда меҳнат қилиш, самарали ҳамкорлик эканини улар яхши англамоқдалар.

Дарҳақиқат, вилоятнинг Шовот, Янгибозор, Ҳазорасп, Хонка, Богот туманлари, жумладан Урганч шаҳрида фаолияти аъло даражада ташкил этилган, юрагида гайрат жўшган оқсоқоллар бошқараётган маҳаллалар борки, улардан ўрнак ола арайди. Шовот туманидаги Пахтакор, Чўқли, Янгибозор туманидаги Янгиёп, Урганч шаҳридаги Феруз, Байналминчал маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ана шундай пешқадамлардан.

Хоразм вилояти Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимида бўлган йиғилишда вилоятнинг шаҳар ва туманлари ҳокимликлари масъуллари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари ҳамда кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари катнашдилар. Унда вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ва бошқа нодавлат ташкилотлар билан маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик натижалари эътироф этилган ҳолда келгусидаги вазифалар, айнаси "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими, туман ва шаҳарлар бўлимларининг бу йўналишдаги фаолияти катта аҳамият касб этиши таъкидланди. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси Аъзамжон Гадоийбоев мазкур йиғилишда катнашиб, вилоятнинг кўпгина туман ва шаҳарлари йиғинлари фаолияти билан танишган ҳамда улардан олган ўз таассуротлари, фуқаролар йиғинлари олдидagi муҳим вазифалар хусусида сўзлади.



СУРАТДА: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси раиси А.Гадоийбоев (ўнгда) ва жамғарманинг вилоят бўлими раиси Р.Қулмуродов юз ёшдан ошган ота-хонининг ахволидан хобабар бўлишди.

Чорвадорлар маҳалласида...

- * Худуди 1,5 миллион гектар маҳалла
* Таспўлат оға нима дейди?
* Чукрқоқнинг ўз кутубхонасию эгарчи устаси бор экан.
* "Тез ёрдам" учун автоулов зарур...

"БИЗ БУЮҚЛАРНИНГ УРПОҚЛАРИМИЗ!" — дейди саксон ёшли Таспўлат оға

Шундай маҳалла фуқаролар йиғинларидан бири марказдан 200 километр узоқдаги Чукрқоқ овулида ташкил топди. Яқинда биз йилнинг фаолияти, чорвадорлар ҳаёти билан танишиш мақсадида Чукрқоққа бўлидик. Овул "Учқудук—Нўкус" автойўлининг бўйида жойлашган. Қизилқумдаги чўпонлар маркази ҳисобланган мазкур овулдаги дастлабки ҳамсўбатимиз саксон ёшни қоралаб қолган Таспўлат оға Сақтаганов бўлди.

— Чирогим, биз буюқларнинг урпоқларимиз. Қизилқумга туташ ерларда ва сахро ичида Аёққалъа, Қирққизқалъа, Қўроғошқалъа, Тўққалъа сингари ўнлаб қалъа ва қўроғлар ҳозир ҳам бор ва қадим тарихдан гувоҳлик бериб турибди. Ақл-заковати юксак бўлмаган инсонлар шундай салобатли, минг йиллар бўйи қад қериб турадиган иморатлар қуриши асло мумкин эмас! Бизнинг ота-боболаримиз ҳам шу Қизилқумда чорвадор бўлиб ўтишган. Болам Ерпўлат, набираларим Ҳулдона, Ойдона, Қўлқанот, Бауржонлар ҳам ҳозир кўй-қўзи изида. "Бировдан ахшилик кўрсанг унутма, яхшилик қилсанг унут" деганларидек, шукр, умримда кишиларни сийлайдим. Турмуш ўртоғим Бахтигул билан кўнча бўлмасам ҳам кун ора меҳмон кутамиз ёки қўшиқлар Қалдан, Ибодулла, Жўбай, оқсоқоллардан Болтабойлар билан дастурхонда борини баҳам кўрамиз. Кўз тегмасин, шундай катта худуддаги овуларимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда, безорилик, турмуш бузилиш деган гапларни икки йил бўлаёттики, эшитмадик. Бунда Жайлов инимиз бош бўлган маҳалла йиғини, унинг фаоллари, посбонларининг хизмати катта деб биланам.

Сухбатта қариянинг турмуш ўртоғи Бахтигул янга қўшилади:
— Овулнинг осойишталиги аёллар эканини унутманг. Мана овинсу қўшиқлар Мирзагул, Гулшарлар тўй-маъра-


Қорақалпоғистонда чорвачиликни, айниқса қорақўлчиликни кескин ривожлантиришга катта имкониятлар бор. Айни пайтда қорақўлчиликка ихтисослаштирилган 8 та ширкат ҳўжаликлари мавжуд. Улардан еттитасининг кўй-қўзилари Қизилқум кўйида ўз ризқини теради. Сахродаги 110 дан ортиқ отарларда 160 минг бош кўй-қўзилар мавжуд.

Қорақалпоғистон Республикаси

каларни ҳамжиҳатлик билан ўтказишга ҳаракат қиламиз. Болалар тарбияси, оила қозонини қайнатиш билан бирга қўзиларни, жун қирқими пайтида ҳам тиним билмаймиз. Ана шуларни ҳам эслаб ўтишга!
— Кампир, гапинг тўғри, — чеҳрасида кулгу тўқинлари мавж урганча дарҳол муросага кела қолади Таспўлат оға.

Чукрқоқда камёб касб эгаси Болтабой эгарчи билан ҳам учрашдик:
— Мен кўп йилдирки, эгарчилик билан онда-сонда бўлсам ҳам шуғуланмай тураман. Мазлуғимки, юлдузани қўзлаган қай бир аргумок — хоҳ Гирот, хоҳ Бойчибор бўлсин, барчаси эгарланган. Кўплар эса эгар тайёрлаш сир-синоатидан беҳабар. Инсоннинг содиқ ҳамроҳи олтин эгар асосан оқ толдан тайёрланади. Енгилик, чидамлик бўлади. Мол ичак-чағови-ю калла-почасидан лик-лик (холодец) уч кеча-кўндуз қайнатилади. Қарабизки, тайёрланган эгар қисмларини "пайвандлайдиган" елим пайдо бўлади. Тайёр бўлган эгар мол териси билан қопланади. Остини сағрисига ботиб, азоб бермаслиги керак. Ичим Жулмон би-

йўлдош бўлганлиги сабабли келди-кетдидан оиланинг тинчи бўлмас экан. Нима қилиш керак? Оиламиз билан бамаслаҳат кутубхона учун бино қурадиган бўлидик. Ҳазим, ўғилларим Темирғали, Мусалга, қизларим Асел, Лиза, келиним Ойсулулар енг шимариб, ишга киришдик. Мана кўриб турганимиздек, мўъжазгина икки хонали кутубхона бунёд бўлди. Чўпон-чўлиқлар ҳам беҳад хурсанд.
"Бахтининг кутубхонаси"га яқин жойдаги мактабнинг икки хонасида Чукрқоқ маҳалласи идораси жойлашган экан. Шу ерда оқсоқол Жайлов Усенов билан ҳам учрашдик.
— Маҳалламиз худуди катта. Қизилқумнинг "Бухан-Мерей" ҳўжалигига қарашли худудда 38 та чўпонлар отар-



Чукрқоқда камёб касб эгаси Болтабой эгарчи билан ҳам учрашдик:
— Мен кўп йилдирки, эгарчилик билан онда-сонда бўлсам ҳам шуғуланмай тураман. Мазлуғимки, юлдузани қўзлаган қай бир аргумок — хоҳ Гирот, хоҳ Бойчибор бўлсин, барчаси эгарланган. Кўплар эса эгар тайёрлаш сир-синоатидан беҳабар. Инсоннинг содиқ ҳамроҳи олтин эгар асосан оқ толдан тайёрланади. Енгилик, чидамлик бўлади. Мол ичак-чағови-ю калла-почасидан лик-лик (холодец) уч кеча-кўндуз қайнатилади. Қарабизки, тайёрланган эгар қисмларини "пайвандлайдиган" елим пайдо бўлади. Тайёр бўлган эгар мол териси билан қопланади. Остини сағрисига ботиб, азоб бермаслиги керак. Ичим Жулмон би-

ДАШТИҒОЗНИНГ ОҚИБАТЛИ ОДАМЛАРИ

Бойсун тумани гўзаллиги, кўркамлиги жиҳатидан дунёнинг ҳеч бир гўшасидан қолишмайди. Бу дийрда ҳар бир мавжудот, ҳар бир тирик жон борки — гўзал.
Бойсун теваригини ўраб турган сервикор тоғларнинг таровати бу ерлик ҳар бир инсоннинг дилида, тилида, кўзларида муҳжасам.

Бойсунда содда ва самимий, меҳнатсевар ва очикўнгил инсонлар яшайди...
Туманинг Даштиғоз маҳалласида кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган фидокор инсон Эргаш ота Шукуров ҳам ана шу замин фарзанди, меҳнатдан бахт толган инсон. У ўтган бутун умрини юрт эртасини, халқ келажagini бунёд этишга сарфлади. Дастлаб мамлакатимиз билан чегарадош бўлган Тожикистон Республикасида жойлашган Душанбе зооветеринария техникумини тамомлади. Сўнгра Ташкент Халқ ҳўжалиги институтининг бухгалтерия факультетида таҳсилни давом эттирди.
Ўқув юртини муваффақиятли якунлагач, дастлабки фаолиятини бойсун ширкат ҳўжалигида ҳисобчиликдан бошлади. Кейинчалик ширкатда турли лавозимларда ишлади, бош ҳисобчи бўлди.

Хозирда ҳам ташаббускор ва фидойи ин-

сон, тажрибали мутахассис Эргаш Шукуров ҳўжаликнинг ҳисоб-китоб ишлари билан шуғуллиниб келмоқда. Гарчи у киши 65 ёшн қоралаб қўйган бўлса-да, ҳамон ташаббускорлики, ёшларга шун шижоат ва гайратни қўлдан бой бермайди. Шу боис бўлса керак, Эргаш ота Даштиғознинг катта-кичиги ҳурмат қиладиган, эъзозлайдиган, сўзига қулоқ тутадиган қайнонларидан. Худудда ўтказиладиган ҳар қандай тадбирда маҳалла оқсоқоли, фаоллари отахоннинг маслаҳатига қулоқ осадилар.

Жорий Меҳр ва мурувват йилида ҳам Эргаш ота бошчилигида бир гуруҳ фаоллар маҳалла худудида турли гул ва дарахт кўчатлари ўтказдилар, хашарлар уюштирдилар. Шунингдек, саховат борасида ҳам отахоннинг Ҳиммати, мурувватини алоҳида эътироф этиш ўринли. У маҳалла худудида яшовчи 5 та кам таъминланган оилани жамғармаси ҳисобидан мод-

Сурхондарё вилояти

дий қўллаб-қувватлаб келади, гамҳўрлик кўрсатади. Албатта, бундай қўли очиклик, меҳрибонлик Эргаш отанинг маҳалладошлари, қоралаб билан биргаликда бўлган тоғликларга ёт ҳислат эмас. Отахоннинг бу борадаги ташаббусидан ибрат олиб, унга эргашаётган, ахтиёржанд инсонларга мурувват кўрсатаётган инсонларнинг тобора кўпайиб бораётганлиги ижобий ҳўл.

— Эргаш отанинг бундай хайрли ишларга иштиёқи бугун ёки кеча пайдо бўлгани йўқ, — дейди Даштиғоз маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Шерали Қўдратов. — Бунга аввало унинг ўз оиласига, яқинларига кўрсатаётган чексиз меҳр-муҳаббатидан илгаш мумкин. Бундан анча йиллар муқаддам Эргаш Шукуровнинг ўқаси бевақт вафот этиб, унинг қаровисиз қолган 4 нафар фарзандлари ана шу меҳрибон инсоннинг қўлида тарбия топди. Оталик меҳрини кўрди.

Эргаш ота 18 нафар набиралари қуршовида келажакимиз давомчилари бўлиши ана шундай ёшларни эл-юртга садоқат билан хизмат қилишга ўргатади, уларга бобилик насихатларини беради.

Омон ШУКУРОВ, "Mahalla" мухбири.

Танлов якунлари

МЕХР ВА САДОҚАТ АРДОҒИДАСАН, БОЛАЖОН!

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида "Сенинг ҳуқуқларинг олами: меҳр ва садоқат ардоғидасан, болажон!" мавзусидаги танлов якунлари бағишланган таъбир бўлди.

Меҳр ва мурувват йили дастури доирасида мамлакатимиз миқёсида ўтказилган ушбу танлов жорий йилнинг февраль ойда "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журнали ҳамда "Класс!" болалар ва ўсмирлар газетаси таҳририятлари билан ҳамкорликда эълон қилинган эди. Уни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлиги Маҳкамаси, "Сен ёлғиз эмассан!" республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, шунингдек, ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти бевосита ёрдам берди.

Танлов шартига кўра етти ёшдан саккиз ёшгача болаларга, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ўрганишга доир саволлар билан матбуот орқали мурожаат қилинди. Болаларнинг меҳр, мурувват, саховат каби қадриятларимиз билан боғлиқ билимини аниқлашга ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Танловда мамлакатимизнинг турли бурчақларидан қариб эллик нафар иқтидорли бола катнашди. Кичкинтой қаламкашларнинг танловга йўллаган мақола, шеър ва ҳикоялари, улар чизган расмлар матбуот саҳифаларида мунтазам эълон қилиб берилди.

Айтиш жоизки, ёш иштирокчиларнинг ижодий ишларида аввало таълим олиш ҳўжжига кўпроқ урғу берилгани кузатилади. Болаларнинг ўз қарашларини эркин ифода этиш ҳўқуқи, фикр ва эътиқод эркинлиги, тинч-осойишта яшаш ва терроризмдан ҳимояланиш, бахтли болалик ҳўқуқларига ҳам алоҳида ёндашилган.

Танлов якунлари бўйича икки гуруҳ — тўртинчи синфгача ва ундан юқори синфлар ўқувчилари орасидан аниқланган голиблар ва совриндорларга сертификат ҳамда совғалар топширилди.

Мадина МИРЗАЕВА

Навоий вилояти

ПАЙСАЛГА СОЛИНАЁТГАН ИШ

ёхуд маҳаллада спорт тараққоти нега суст?
Сўнгги йилларда юртимизда оммавий спорт, болалар спортини тараққий эттиришда талай ишлар қилинди. Буларнинг замирида ёш авлодни соғломлаштириш, миллатимизнинг гурур-ифтихорини кўтариш ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби эзгу мақсадлар ётади.

Шу боис, мамлакатимиздаги қишлоқ ва маҳалла худудида замонавий спорт иншоотларини қуриш, фуқаролар ўртасида турли спорт мусобақаларини ўтказиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш ишлари жадал сўраётларда давом этиб келяпти. Бироқ бизнинг Кармана туманида жойлашган Янгисаркўнли маҳалласида бу борадаги сарф-ҳаракатларни қоникчилик даражада деб бўлмайди.

Эътиборли томони, маҳалламизда спортга иштиёқи баланд ёшлар кўп. Уларнинг ташаббуси билан худудда спортнинг футбол, волейбол, карата турлари бўйича ёшлар жамоаси тuzилган. Туман, вилоят миқёсида маҳаллар ўртасида ўтказиладиган мусобақаларда ушбу жамоаларимиз бир неча йиллардан буён муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Аммо, минг афсуски, маҳалла ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғуллинишлари, машғуллотлар олиб боришлари учун худудда етарли даражада шарт-шароит яратиб берилмаган. Спорт майдони йўқ.

Биз қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари бошчилигидаги бир гуруҳ фаоллар ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида Кармана тумани ҳокимлиги ҳамда К.Рахимов номи ширкати ҳўжалигига ёрдам сўраб мурожаат қилдик. Шунингдек, вилоят ҳокими билан Навоий вилояти телевидениеси орқали қилган жонли мулоқотимизда ҳам маҳалла худудида спорт мажмуи ва гузар барпо этиш учун К.Рахимов ширкати ҳўжалиги тасаруфидagi қаровисиз боғ худудидан ер ажратиб беришга кўмаклашишини сўрадик. Гарчи ҳоким бутун вилоят аҳли олдига ушбу илтимосимизни қаноатлантиришга ваъда берган бўлса-да, бироқ ҳозирга қадар ширкат ҳўжалигининг мутасадди кишилари бу ишни пайсалга солиб келмоқдалар.

Юртимизда спортни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир паллада бу борадаги эзгу мақсадларимизни ортага сурuish — шунчаки долзарб вазифага бепарволик эмас, балки юрт, халқ тақдирига бепарволик, десак хато бўлмайди. Шундай эмасми?

Акмал МАРДОНОВ, Абдулла ХАМРОЕВ, Дилмурод РУСТАМОВ, Жами: 24 имзо.

Mahalla



— Яна нима дейди?
— Дарахтларни беҳуда кесмайлик, — дейди.

ПАЙСАЛГА СОЛИНАЁТГАН ИШ

ёхуд маҳаллада спорт тараққоти нега суст?
Сўнгги йилларда юртимизда оммавий спорт, болалар спортини тараққий эттиришда талай ишлар қилинди. Буларнинг замирида ёш авлодни соғломлаштириш, миллатимизнинг гурур-ифтихорини кўтариш ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби эзгу мақсадлар ётади.

Шу боис, мамлакатимиздаги қишлоқ ва маҳалла худудида замонавий спорт иншоотларини қуриш, фуқаролар ўртасида турли спорт мусобақаларини ўтказиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш ишлари жадал сўраётларда давом этиб келяпти. Бироқ бизнинг Кармана туманида жойлашган Янгисаркўнли маҳалласида бу борадаги сарф-ҳаракатларни қоникчилик даражада деб бўлмайди.

Эътиборли томони, маҳалламизда спортга иштиёқи баланд ёшлар кўп. Уларнинг ташаббуси билан худудда спортнинг футбол, волейбол, карата турлари бўйича ёшлар жамоаси тuzилган. Туман, вилоят миқёсида маҳаллар ўртасида ўтказиладиган мусобақаларда ушбу жамоаларимиз бир неча йиллардан буён муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Аммо, минг афсуски, маҳалла ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғуллинишлари, машғуллотлар олиб боришлари учун худудда етарли даражада шарт-шароит яратиб берилмаган. Спорт майдони йўқ.

Биз қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари бошчилигидаги бир гуруҳ фаоллар ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида Кармана тумани ҳокимлиги ҳамда К.Рахимов номи ширкати ҳўжалигига ёрдам сўраб мурожаат қилдик. Шунингдек, вилоят ҳокими билан Навоий вилояти телевидениеси орқали қилган жонли мулоқотимизда ҳам маҳалла худудида спорт мажмуи ва гузар барпо этиш учун К.Рахимов ширкати ҳўжалиги тасаруфидagi қаровисиз боғ худудидан ер ажратиб беришга кўмаклашишини сўрадик. Гарчи ҳоким бутун вилоят аҳли олдига ушбу илтимосимизни қаноатлантиришга ваъда берган бўлса-да, бироқ ҳозирга қадар ширкат ҳўжалигининг мутасадди кишилари бу ишни пайсалга солиб келмоқдалар.

Юртимизда спортни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир паллада бу борадаги эзгу мақсадларимизни ортага сурuish — шунчаки долзарб вазифага бепарволик эмас, балки юрт, халқ тақдирига бепарволик, десак хато бўлмайди. Шундай эмасми?

Акмал МАРДОНОВ, Абдулла ХАМРОЕВ, Дилмурод РУСТАМОВ, Жами: 24 имзо.

Mahalla



— Яна нима дейди?
— Дарахтларни беҳуда кесмайлик, — дейди.

ПАЙСАЛГА СОЛИНАЁТГАН ИШ

ёхуд маҳаллада спорт тараққоти нега суст?
Сўнгги йилларда юртимизда оммавий спорт, болалар спортини тараққий эттиришда талай ишлар қилинди. Буларнинг замирида ёш авлодни соғломлаштириш, миллатимизнинг гурур-ифтихорини кўтариш ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби эзгу мақсадлар ётади.

Шу боис, мамлакатимиздаги қишлоқ ва маҳалла худудида замонавий спорт иншоотларини қуриш, фуқаролар ўртасида турли спорт мусобақаларини ўтказиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш ишлари жадал сўраётларда давом этиб келяпти. Бироқ бизнинг Кармана туманида жойлашган Янгисаркўнли маҳалласида бу борадаги сарф-ҳаракатларни қоникчилик даражада деб бўлмайди.

Эътиборли томони, маҳалламизда спортга иштиёқи баланд ёшлар кўп. Уларнинг ташаббуси билан худудда спортнинг футбол, волейбол, карата турлари бўйича ёшлар жамоаси тuzилган. Туман, вилоят миқёсида маҳаллар ўртасида ўтказиладиган мусобақаларда ушбу жамоаларимиз бир неча йиллардан буён муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Аммо, минг афсуски, маҳалла ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғуллинишлари, машғуллотлар олиб боришлари учун худудда етарли даражада шарт-шароит яратиб берилмаган. Спорт майдони йўқ.

Биз қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари бошчилигидаги бир гуруҳ фаоллар ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида Кармана тумани ҳокимлиги ҳамда К.Рахимов номи ширкати ҳўжалигига ёрдам сўраб мурожаат қилдик. Шунингдек, вилоят ҳокими билан Навоий вилояти телевидениеси орқали қилган жонли мулоқотимизда ҳам маҳалла худудида спорт мажмуи ва гузар барпо этиш учун К.Рахимов ширкати ҳўжалиги тасаруфидagi қаровисиз боғ худудидан ер ажратиб беришга кўмаклашишини сўрадик. Гарчи ҳоким бутун вилоят аҳли олдига ушбу илтимосимизни қаноатлантиришга ваъда берган бўлса-да, бироқ ҳозирга қадар ширкат ҳўжалигининг мутасадди кишилари бу ишни пайсалга солиб келмоқдалар.

Юртимизда спортни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир паллада бу борадаги эзгу мақсадларимизни ортага сурuish — шунчаки долзарб вазифага бепарволик эмас, балки юрт, халқ тақдирига бепарволик, десак хато бўлмайди. Шундай эмасми?

Акмал МАРДОНОВ, Абдулла ХАМРОЕВ, Дилмурод РУСТАМОВ, Жами: 24 имзо.

МАХАЛЛАЛАРДАН

"Mahalla" GA MASOFA YAQINI!

Тошкент шаҳри

Изоҳ

МАХАЛЛАДОШЛАРИМГА МИНГ РАҲМАТ!

Мен қариб қирқ йилдан буён Мирзо Улугбек туманидаги Ҳабиб Абдуллаев номи маҳалладош истиқомат қиламан. Болалигим Иккинчи жаҳон уруши кечган йилларга тўғри келган. Ушанда кичкина қизалоқ бўлсам-да, ҳарбий заводда пайвандчи бўлиб ишлаганман. Заводда менинг тендошларим кўп эди, айримларининг бўйи дастохга етмасида тахтакчалар устига чиқиб ишлардилар. Уруш тугагач, кўплар қатори «Фронти ортиндаги фидокорона меҳнати учун» медали билан тақдирландим.

Инсон атрофдагилардан меҳр-муруват курса, ҳаёт қийинчиликлари ортага чекинаверар экан. Бунинг ўз ҳаётида ҳис қилмоқдаман. Чунки бизнинг маҳаллада мен каби кекса меҳнат ва уруш фахрийларини, умуман ёши улуг кишиларни жуда қадрлашади. Бирон бир сана, байрам йўқки бизни йўқламасалар. Утган ойда нишонланган 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан маҳаллада ўтказилган тантанادا биз қатори афгон уруши, Чернобыл ҳалокати қатнашчиларига ҳам иззат-икром кўрсатилди.

Энг муҳими, маҳалламиз оқсоқоли Одил Мамасолиев, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Каромат Жойбўлатова бошчилигида фаолият юритаётган фаолларимиз, маҳалладошларимизнинг биз кексаларга эҳтиромини нафақат байрамларда, балки кунда-кунора ҳис қилиб тураемиз. Бунинг учун маҳалла йиғини ва маҳалладошларимизга минг раҳмат!

Валентина ЛОГИНОВА, меҳнат фронти қатнашчиси.

Навоий вилояти НУРОНИЙЛАР, УЗОҚ ЯШАНГ!

Зарафшон шаҳар ҳоқимлиги томонидан «Хотира — муқаддас, қадр — савоб» мавзусида катта байрам тадбирининг ўтказилиши ҳар бир нуруний отахону онахонларимиз қалбларига олам-олам қувонч бағишлади.

Зарафшон — олтинтопарлар шаҳрининг қорхона ва ташкилотларидан Навоий тоғ металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси, Зарафшон қурилиш бошқармаси, «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма қорхонаси, Дауғизтоғ ва Қизилқум геология-қидирув экспедициялари, маҳалла йиғинлари, «Уйқойжамгармабанк» ҳимийлигида уруш ва меҳнат фахрийлари учун байрам тадбирлари ташкил этилди, моддий пул ёрдамлари, озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди. Бунга 14 млн. 632900 сўм маблағ сарфланди.

Навоий кон металлургия комбинатининг Марказий кон бошқармаси ва Зарафшон қурилиш бошқармаси томонидан ҳар бир уруш қатнашчиларига 50 минг сўмдан, меҳнат фахрийларига 25 минг сўмдан моддий ёрдам берилган бўлса, Зарафшон шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ҳисобида турадиган 33 та кишига 35 минг сўмдан, меҳнат фахрийларига эса 20 минг сўмдан пул маблағлари тарқатилди.

Бундан ташқари, соғлиги ёмонлашиб, тўшқанда ётиб қолган бемор қарияларимиз хонадонларига ҳимий ташкилотларнинг пул ёрдамлари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

Б.ЖУМАГУЛОВ, «Маҳалла» жамғармаси Зарафшон шаҳар бўлинимаси раиси.

МАҚТУБДАН...

Эътироф

Фаргона вилояти

ЯККАТУДА СИҲАТГОҲ

Ассалому алайкум «Mahalla» газетаси ижодкорлари. Сизлардан илтимос, бизнинг ушбу миннатдорчилик хатимизни газетангизда чоп этсангиз. Чунки биз Фаргона вилояти Тошлоқ туманида аҳоли саломатлигига берилаётган эътибордан мамнун бўлиб ёзмоқдамиз.

Тошлоқ тумани марказий шифохонасининг Якка тушида жойлашган II-терапия (ички касалликлар) бўлими шифобахш маъдани бўлоқ сувига эга сиҳатгоҳ ҳисобланади. Утган Обод маҳалла йиғинида туман ҳокимининг эътибори билан сиҳатгоҳ тўлиқ қайта таъмирланиб, яхши даволаниш ва кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун барча қулайликлар яратилди. Тошлоқчиликлар энди Чортоқ ёки Чимён сиҳатгоҳларига боришларига зарурат қолмади. Чунки ўзининг сиҳатгоҳида ҳам саломатлигини тиклаш ва дам олишларига етарлима шарт-шароитлар яратилган.

Яна бир қувончли томони — сиҳатгоҳга келган ёрдамга муҳтож кишилар ва қишлоқ меҳнаткашлари учун туман марказий шифохонаси лабораториясида ишлаб чиқарилаётган зарур дориларнинг бепул берилмоқда. Сиҳатгоҳнинг маънавий шифокорларига ҳамширалари беморларни катта эътибор ва меҳр билан даволашмоқда.

Президентимизнинг «Ободлик кўнглидан бошланади» деган сўзларининг исботини бүгун яна бир бор гўвоҳи бўлиб турибмиз. Чунки туманимиз меҳнаткашлари бу йилги дава ишларини ўзларига берилган эътибордан мамнун ҳолда бошладилар.

Бизга қўрсатилган эътибор ва ёрдамлар учун туман ҳокимимиз, марказий шифохона раҳбарияти ҳамда сиҳатгоҳ шифокорларига катта миннатдорчилик билдираемиз. Уларнинг юрт ободати ва инсонлар саломатлигини яхшилашдек эзгу ишларида омад ва ривож тилаймиз.

Маҳбуба МАМАЖОНОВА, Қундузхон ШОКИРОВА, Озода ҚОЖИМУРОДОВА

Тошкент вилояти

Йилнинг маслаҳатчиси: у ким ва қандай одам бўлади? ТАБИАТ ҒАМХЎРИ

Абдулҳай ота Нишонов ўз бахтини меҳнатдан топганлардан. Отахон яқинда 73 ёшга қарашли бўлишига қарамай, ҳамон ҳаловат билмайди. Тошкент вилояти табиати муҳофазаси қилиш қўмитасида меҳнат қилаётти. Ҳозирда табиат шайдоси бўлган Абдулҳай ота куну тун табиат қўйнида. Унинг ифлосланишига, экология бузилишига, сувнинг беҳуда сарф бўлишига қарши курашмоқда.

Отахон иш фаолиятини 1951 йилда Ангрен шаҳридаги 2-қурилиш бошқармасида бошлаган. Кўплар турар-жой, маданий-маиший бинолар қурилишида фаол қатнашган. Бой тажрибага эга. Ўз касбининг устаси. У 25 йил Ангрен ГРЭСида ҳам ҳалол ишлади. Қилган меҳнатлари зое кетмади, унга обрў эътибор келтирди. Бир қанча мукофотлар олиб, шу ердан нафақага чиқди.

Абдулҳай ота айна чоғда Ангрен шаҳридаги Булоқбоши маҳалласининг маслаҳатгўй кексалардан бири. Кексаю ёшга ўзининг фойдали маслаҳатларини беради, йўл-йўрқ кўрсатади. Қачон қараман ёшлар даврасида. Уларга аждодларимиздан мерос бўлиб келётган урф-одатларимиз, удумларимизни ардоқлаш, табиати асраб-авайлаш тўғрисида панд-насихатлар беради.

Пиру бадавлат отахон Меҳр ва муруват йилида хайрли ишга қўл урди. Ёшларга бош-қош бўлиб, хашар йўли билан маҳалла кўчаларига, хонадонлар, хибонларда гулзорлар барпо этди. 1000 тупдан зиёд ҳар хил анвойи гуллар, мевали ва манзарали дараклар ўтқазди.

Айни кунларда улар сахий боғбоннинг меҳридан қувват олиб, яхши парвариш натижасида барқ уриб ўсмоқда. Уларни кўриб кўзингиз яшнади, кўнглингиз тоғдек кўтарилди.

Турсунои ТЛЕНИШЕВА

Маҳаллага ким фиғою?

ЯХШИ ИШЛАР КЎПАЙСИН — дейди Кўпайсин ая

Кўпайсин аяни Бекобод туманида таниммаган одам жуда кам топилади. Боғишамол маҳалласида-ку номи келган. «Танимай ҳам кўрсин-чў» дея ҳазиллашди унинг ўзи кўпкор раҳбарларни назарда тутиб. Ҳамшира эл-юрт ташеҳини билан яшайди. Эрта саҳардан эшак аравага ўтиради, туман маркази томонга ошиқади. Йўл-йўлакай оқсоқола учрайди. Раис ҳузурига бориб долзарб масалаларни кўндаланг қўяди.

Баҳорнинг ёмғирли кунлари эди. Эгница плёнка ташлади-да кўчага чиқди. Маҳалла оқсоқоли Нўмонжон Ортиқовни топди.

— Раис болам, маҳаллада дангиллама чойхона бор — деди ая. — Хоналари ҳам кўп. Энди ўзингдан қолар гап йўқ, ошхўрлар бир ойма шаҳар-пахарга бориб турар. Кеча вақилинги, бош пудратчини ҳам ташвишли ҳолда учратдим. Ипак куртини тарқатишолмапти. Икки кутисини олсам, анвои Турдиалининг келини, биз оиламиз билан бирга бўлиб парварошласак, деган эдим.

Уша кунийк чойхона хоналарида улар ипак курти боқини бошлаб юборишди. Уч ҳафтада режани ҳам удалашди.

Кишлоқни газлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш масалаларига ҳам Кўпайсин ая бош-қош.

— Йўлларимиз қишда лой, ёзда чанг, ўнқир-чўнқир. Болалар мактабга, кичкинтойлар боғчага қатнайди. Улар жуда қийналишяпти. Бир йилни қилсангиз, — деди туман ҳокимига ая.

Ёрдам беришди. Аҳоли ҳам иш бошланганини кўриб мададаг отланишди. Кўпайсин ая ҳар хонадонга кириб тушунтирди. Ҳўжалиқдан қўмак сўради. Йўл қурилиш идорасига бориб ўтириб олган кунлари ҳам бўлган. Шу бўлдию, Қорада-ракт маҳалласи билан мактабни боғлаб турувчи йўлга асфальт ётқизилди.

Ая доимо хайрли ишларга бош қўшади. Хотин-қизлар турмуш даражасини янада яхшилашни уйлайди. Қишлоқ ободончилиги йўлида жон куйдиради. 70 ёшга қараб бораётган бўлсада, ёшлардек ғайрат-шижоатли. Онахоннинг хонадонларга «зангори олов» олиб келишига ҳам ташкилотчилик қилгани ҳануз кўпчиликнинг ёдида.

Кишлоқда тикувчилик устaxonи, суратхона,

новвойхона ва бошқа шу каби маданий-маиший хизмат кўрсатиш нуқталарини ташкил этиш тўғрисида қайғурди. Маҳалла фаолларига, оқсоқолларга, шу ерда ўсиб-улгайиб ҳозирда раҳбарлик лавозимларида ишлаётганларга қалбини очди, тақлифларини айтди. Амалий ёрдам беришига уларни даъват этди. Зеро, у билдираётган истаклар халқ учун фойдали, инсонлар манфаатига дахлдор.


Кўплар: «Кўпайсин оёғини давлатиб (ха, унинг оёғи кўп йиллардан буён қийнайдди, оқсоқоланиб юради) уйда ўтирса бўлмасмикин», дея қинок ҳам қилишди. «Қариганда бу қари хотин сира ҳам тинмайди-я» дейдиганлар ҳам йўқ эмас. У ҳаммасини билади, эшитиб қолган чоғлари ҳам бўлган. Баъзилар эса юзига айтди.

— Нафакам, қолимнинг пенсияси бизга етиб ортди, 9 фарзандим 25 набаира бор. Аллоҳга шукур, ҳеч кимдан кам эмасимиз. Лекин одамлар дардини, камчилигини кўрсам, чидаб туролмайман. Ахир кўчамиз чанг, маҳалламиз ифлос бўлса, қачонгача томошабин бўлиб ўтирамиз. Чирогимиз кун ора ўчиб турса, газ босими пасаяверса, атрофимиз ахлатхонага айланса... бизлар яшашни, бахтли турмуш кечиришни ўрганишимиз ва келин-қизларимизга, одамларга ўргатишимиз ҳам керак-ку. Менинг ягона мақсадим ҳам Боғишамолни юртимиздаги энг гўзал, намунали, чарогон маҳаллалардан бирига айландини кўриш. Мен ҳам бу хайрли истак йўлида қўлимдан келганга ҳаракат қиламан.

Ху ана, кўрпачисми, асфальт кўчада эшак аравага ўтириб олган онахон бутун элнинг дарду ташвишини елкаларига ортоқлаб бормоқда...

Турсунои УСМОНОВА,

Ўзбекистон журналистика ижодий уюшмаси аъзоси.



Наманган вилояти

САВОБ ҚИЛГАН САВОБ ТОПАДИ

Хонобод — Поп туманининг чекка қишлоқларидан. Тоғолди ҳудудда жойлашган бу қишлоқда Олиш номи маҳалла бор. Миндан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган ушбу гўша аҳолини кўндан буён тоза ичимлик суви муаммоси қийнаб келарди.

Одамлар иложсизликдан кичик-кичик бўлоқ сувларидан фойдаланишарди. Гарчи чашма узоқ бўлса-да, ҳар ҳолда қиш-кўккам кезлари пириқчилик учун зарарди. Аммо кун исий бошлагач, суви торилди қоларди. Бу ҳам етмаган-дек, мол туёқлари остида қолиб кетарди. Бундай чоғда ошимчилик учун бир челек сув бунҳардан-да қадри няматга айланарди.

«Водий» ширкат хўжалигининг раиси Валижон Йўлдошев савобли иш бошлади. Беш миллион етти юз минг сўмлик маблағни Олиш маҳалласига олиб ҳаёт келтириш учун ажратди. Муаммони ҳал қилиш осон бўлмаганига қарамай, унинг саъй-ҳаракатлари тўғрисида маҳалла аҳолининг ичимлик сувига бўлган эътиби қондирилди.

Валижон Йўлдошев қишлоқ туриш-турмуши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга фермер ва тадбиркорларни ҳам жалб қилапти. Масалан, «Истиқола» фермер хўжалиги, шу-

нингдек, Олимжон Эминов, Абдумутал Ҳабилов сингари удабурро тадбиркорлар маҳалла ҳудудини кўкамзорлаштириш, ички йўлларни таъмирлаш каби юмушларда кўмакларини аямлади. Хонободдан Қўқон шаҳрига янги автобус қатнови йўлга қўйилишида ҳам Валижон Йўлдошев ташаббус кўрсатди. Бу қишлоқ аҳолига анча қулайлик яратди.

— Яхши турмуш кечириш учун қилинаётган ишлардан маҳалла аҳоли жуда мамнун бўлмоқда. — дейди маҳалла оқсоқоли Юсуфжон Акбаров. — Раҳбар элга қанчалик қайишса, одамлар орасида унинг ҳурмат-эътибори шунчалик орийб бораверади.

Айганча, маҳалла ўртасидан ўтган йўлининг уч чакирмини асфальтланган эди. Яқинда шу масала ҳам ечимини топди. Ободонаштириш ҳақида сўз кетса, жорий йилнинг ўзида Хонободнинг ички йўллари бўйига миндан зиёд мевали, яна шунча манзарали дарак, савкиз юз туп тўт кўчати ўтқазилди. Ҳозир улар барг эзиб, ажиб манзара касб этмоқда.

Дарҳақиқат, айни даврда қишлоғу қўрғонларнинг кўндан-кун чирой очиб бориши шундай ташкилотчиликни, керак бўлса фидойиликни талаб қилади. Ўзида куч ва матонат топиб эзгу ишлар қилганларни, қўрғон бунёд этганларни эл бошига кўтарди.

Худойберди ЭШМАНОВ



Қашқадарё вилояти

ҲОМИЙЛАР ҲИММАТИ

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими ташаббуси билан Қарши шаҳридаги Дарвозатутмак маҳалласида хайрия тадбири ўтказилди.

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда маҳаллалардаги боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларидан 12 нафарининг хатна тўйи ўтказилди. Тадбирда воқода узоқ йиллардан буён яшаб ижод этаятган 4 нафар ижодкорнинг юбилей маросими ҳам нишонланди. Шунингдек, 30 нафар кам таъминланган оила фарзандларига моддий ёрдам кўрсатилди.

Ушбу хайрия ишни ташкил этишда Вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши, Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши, «Рулан» МЧЖ, шунингдек, С.Тошматов, И.Панжвир, Д.Кичинаев, Ш.Турдиев, Б.Файзиёв каби саховатпеша инсонлар яқиндан ёрдам бердилар.

Сайёра МЕЛИҚЎЗИЕВА

Андижон вилояти

КЕКСА ОҚСОҚОЛНИНГ

47 "ФАРЗАНДИ"

Яқинда Пойтуғ шаҳридаги Турдиали Мамажонов номи маҳаллада 3 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг хатна тўйи ўтказилди.

— Маҳалламизда ҳар бир байрам қандайдир шодлиёнага уланиб кетади. Турли байрамлар муносабати билан эҳтиёжманд инсонларга кам таъминланган оилаларга муруват кўрсатамиз. Бу анъана маҳалламизда кўп йиллардан бери давом этиб келмоқда. Яқинда ҳудудда яшовчи кам таъминланган оила фарзандларига бошдан-оёқ қийин-бош қилиб берган эдик. Мана бугун ҳомийларимиз, маҳалла фаоллари қўмағига уч болакайнинг хатна тўйини нишонляпмиз, дейди маҳаллага ўн олти йилдан бери бошчилик қилиб келаятган оқсоқол А.Қобилов.

Марҳум Турдиали Мамажоновнинг фарзандлари ҳомийлигида барпо этилаётган спорт мажмуасида бўлиб ўтган мазкур тадбирда болаларга тўй либослари кийдирилди. Саховатпеша инсонларнинг совғалари топширилди. Бу билан маҳаллада ташаббускор оқсоқол бошчилигида хатна тўйлари ўтказилган кам таъминланган оила фарзандлари сони 47 нафарга етди.

Ш.ЖАЛОЛОВ,

«Маҳалла» жамғармаси Избоскан тумани бўлинимаси раиси.

Олам

Турфа



ҚАЛДИРҒОЧ

ҚАНЧА

УЧАДИ?

Бир жуфт қалдирғоч қунёга ўртача 16 соат учаркан. Қалдирғоч полизини оғзига бир соатга 20 марта оёққа келтиради.

Бу қушларнинг отаналари инларига қунига ўртача 60 марта келиб кетади. Иккита қалдирғоч қунига 640 та зарарли ҳашаротларни бола-ларига келтирса, 600 тасини ўзи тинчитади.

ШИЛЛИҚ-ҚУРТГА ҚАРШИ ТИПРАТИКАН

Чиганокли шиллиққуртлар, айниқса, ёшан-соқинли шилларга жуга ҳам қўнади. Уларнинг савобот экинларига зарари эса янада ортади. Уларга қарши ишлатилган кимёвий восита юқори натижа бермайди, бунинг устига меварак-атрофега жуга зарарли. Хўш, нима қилиш керак?

Англияликлар бунинг йўлини топган. Улар экин майдонларини типратиканларга ишониб топшириб қўйишди.

Маълум бўлишича, тиканли «овчи»ларнинг бир оиласи 0,2 гектарли майдонни чиганокли шиллиққуртлардан бемалол тозалай оларкан. Англияда ҳатто типратиканларни кўпайтирадиган ва халққа сотадиган махсус фермалар ҳам ташкил этилган.

ЖУЖА-ЛАРИНГ СЕВИМЛИ РАНГИ

Маълум бўлишича, ҳайвон Ва паррандалар ҳам ўз Боқувчисининг қийинлигига эътибор билан қарар экан.

Мутахассисларнинг таҳминига кўра, сигирларга зангори рангли халат ёқар экан. Жўжалар учун сариқ ёки зарғалдоқ ранг яхши кўринади. Қора ёки жигарранг қоржомалардан улар безовталанишади.

КАПАЛАКЛАР ОРАСИДА

ҲАМ

Эркаклар ўз севалисига тез-тез хушбўй атирлар совға қилиб туришади. Шарқдаги Шеркдаги мунчи мева капалави ҳам хушбўй шундай қилар экан.

Амриколик ва япониялик тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, бу турдаги капалакларнинг эркакга ўзидан ясини ва долчин исини эслатадиган хушбўй ҳид таратар экан. У қанотини севгилисининг олдида қокқанда бу ҳид ажралиб чиқади.

*Тарғиботчи талабалар. *Юридик клиника. У қандай ишлайди?

Шундай экан, кишиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришдан туриб, демократик ҳуқуқий жамиятни барпо этиш қийин.

Биз тахсил олаётган Тошкент давлат юридик институтининг профессор-ўқитувчи ва талабалари томонидан туманлар, маҳаллалар ҳамда турли жамоат ташкилотларида маърифий тадбирлар, юридик маслаҳатлар, учрашув кечалари, давра суҳбатлари сингари амалий тарғибот ишлари кенг қўламда амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда пойтахтнинг ўндан ортиқ маҳаллаларида ҳуқуқий маслаҳатхоналар очилган бўлиб, булардан Юнусобод туманидаги Шодлик, Си-

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ — ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК АСОСИ

Демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва унинг ижтимоий-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашда аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Кишиларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси уларнинг умумижтимоий фаолияти ва ташаббускорлигида ўз аксини топади, яъни шахсининг ҳуқуқий онги унинг ижтимоий ҳаётининг ажралмас таркибий қисmidир.

регли туманидаги Янги обод, Собир Раҳимов туманидаги Янги ҳаёт, Дўстлик, Яққасарой туманидаги Конституция маҳаллаларида фаолият олиб бораётган ҳуқуқий маслаҳатхоналарни алоҳида тилга олиб ўтиш лозим.

Мана бир неча йилдирки, пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган барча мактабларда институтимиз талабалари ўқтарининг курс

мураббийлари раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тарғиботи, Юртбошимиз И.Каримов асарлари ва Олий мажлис сессияларида сўзлаган маърузалари юзасида давра суҳбатлари, шунингдек, бошқа ҳуқуқий мавзуларда маърифий тадбирлар ўтказмоқдалар. Сўнгги йилларда 31-Меҳрибонлик уйда ҳам бундай тадбирларни ўтказиш аъён тусига кириб қолди.

Айтиш мумкинки, институтимизда бу каби тадбирлар бугунги кунда маънавий эҳтиёж касб этаятгани бос, миллий кадриятларни тиклаш ҳамда умуминсоний тарқийёт талаблари асосида янгича маънавиятни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган ўзига хос дастурга айланган.

Институтимизда ўқув жараёнини ташкил этишда янги шакллар, интерактив усул ва методлардан кенг фойдаланиб келинмоқда. Тарғиботнинг ана шундай янги шаклларидан бири юридик клиникадир. Бугунги кунда институтда тўртта юридик клиника фаолият кўрсатмоқда. Ушбу клиникаларни ташкил этишдан асосий мақсад аҳолининг кам таъмин-

ланган қатламларига, кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳамда яқка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга бегараз ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ва аҳолининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашдан иборат. Шу билан бирга, юридик клиникалар талабаларнинг амалиёт билан чамбарчас боғлиқлигига таълим олишини ҳам таъминлайдиган усуллардан биридир. Қувонарлиси шундаки, биз талабалар

Калб мавжу

ОТАХОМ — ОНАХОНЛАР

Дилимизда хуш калом, деймиз салом-ассалом, Бор бўлинг сафда мудом, отахон-онахонлар.

Хур ҳаётга бориб зоб, келажакнинг гамин еб, Яшар эл тинч бўлсин деб отахон-онахонлар.

Юрган йўлигиз гулзор, Сизда ҳаё, номус-ор, Биз ёшларга ифтихор, отахон-онахонлар.

Ахил яшанг деб ҳар чок, бериб дўстликдан сабоқ, Сочингиз оқ, қалбингиз оқ отахон-онахонлар.

Ҳар ишда марду-майдон, ошиб улкан, зўр даврон, Сўзингиз дардаг дармон отахон-онахонлар.

Юртбошимиз эъозлар, тилаб улр, парвозлар, Сиз учун кўшиқ-соғлар отахон-онахонлар.

Табарруксиз, азизлар, мудом умри лазисиз, Сизни дер ҳар ўғил-киз, отахон-онахонлар.

Ҳаётга йўллаб ҳар он, бизлар ниҳол, Сиз боғбон, Сизга фидо танда жон отахон-онахонлар.

Меҳр-муруват йилида, эл-у юртим кўнглида, Абдуллонинг дилида отахон-онахонлар.

Абдулла САФОВ

Навоий ижоди гулшанидан

ЧИН ИШҚИЙ ҲАВАЛА

Алишер Навоий лирик меросининг катта қисмини ишқий ғазаллар ташкил этади. Унинг ўзбек ва форсий тилда яратган бу мавзудаги ғазаллари миқдори эса уч мингдан ошиб кетади. Мавзу эътибори билан уларни уч асосий гуруҳга бўлиш мумкин: 1. Тасаввуфий мазмундаги ишқий ғазаллар; 2. Шоир таржимаи ҳоли билан боғланган ишқий ғазаллар; 3. Аънавий мазмундаги ишқий ғазаллар. Бошқа шоирлар ижодида бўлганидек, аънавий мазмундаги ишқий ғазаллар жуда катта гуруҳни ташкил этади, дейиш мумкин.

Бироқ аҳамиятига кўра, унинг ўз шахсий ҳаёти ва кечинмалари асосида яратган ғазаллари миқдорига кўра жуда кўп бўлмас-да, аҳамияти ва ундаги инсоний кечинма ҳамда туйғуларнинг таъсирчанлиги жиҳатидан ниҳоятда муҳим, десак хато бўлмас. Чунки бу мазмундаги шеърлар, аввало шоир таржимаи ҳолини ёритиш ва ўрганишга ёрдам берса, иккинчи жиҳатдан шу йўналишдаги аънавий, тасаввуфий шеърларини ҳам жонлантириб, бадиий нурлантириб туради.

Шу нукта назардан улуғ шоирнинг қуйидаги матлаб билан ёзган шеъри гоят эътиборга сазовор: Менмудур — менким, сенинг васлинг васлинг муассардур манга. Бахти гурмаднинг қачон бу қирса бовардур манга.

Мазмуни: (Худди шу дамларда) сенинг васлинг муассар бўлган мен бўлмай ким бўлиши мумкин! Бахтини йўқотган кимса яна топиши мумкин, деган гапга мен ишонмай ким ишонсин!

Навоийнинг бу ғазали биринчи марта "Бадоеул-бидоя" девонига киритилган бўлиб, у тахминан шоирнинг 22-23 ёшларида ёзилган. Бу вақтда у Машҳаддаги мадрасада ўқушининг охириги йилларини тугатаётган бўлиб, мазкур ғазалда унинг кўндан ўзи севган ҳамда гаплашиб

юрган севгилиси билан учрашган чоғидаги ички кайфияти ўз аксини топган. Шоир елкасидаги ўқиш билан боғлиқ юк камайганидан ва у ҳам эркин нафас олиб, ёрининг висолдан баҳраманд бўлиб турганидан ўзида йўқ даражада хурсанд, унинг бекиёс гузаллигини яқиндан кўзи билан кўриб, димоғи билан ҳидлаб, бевосита қўллари билан ушлаб, ўзини дунёдаги энг бахтиёр инсонлардан бири деб ҳисобламакда: Ҳақ тонқурким, тирикликдин манга сенсен мурод; Йўқса оламнинг йўқи-бори баробардур манга.

Мазмуни: Оллоҳ гувоҳки, яшайдан мақсадим сенга эришмоқ эди; Бусиз дунёнинг бор-йўқлиги меннинг учун аҳамиятсиз.

Эй кўнгул, ғаввоси баҳри васл йўлбем, не ажаб, — Ким насиб этди ўшул покиза гавҳардур манга...

Мазмуни: Эй кўнгул, мен висол денгизидан ғаввослик қилар экиман, — Қандай ажойибки, ўша (мен истасан) гавҳар менга насиб бўлиб турибди.

Ой-у Хуридингни йўқ, эй чархи гардуқим, бир дам — Ҳамдам ул ойчехралег хуришд пайкардур манга.

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ

Мазмуни: Эй айланувчи Осмон, ол Ойингни ҳам, Осмонингни ҳам, — Негаким, бу дамда ой юзли Кўёш мен билан биргадир.

Масаланинг энг муҳим томони шундаки, Навоийнинг бошқа бирон шеърда унинг ўзини ҳаётдан манун сезгани бу қадар ёрқин тасвир этилмаган.

Лекин буюк сўз санъаткорининг донолиги шундаки, шундай бир дамда ҳам у ҳаётга, эртанги кунга, воқеалар оқимиға гофиллик кўзи билан эмас, ҳушёрлик кўзи билан қараган, кўнгли эса ўзини сингари даҳоларга ҳам чархи кажрафторнинг ўз "туҳфаси" бўлиши мумкинлигини сеза билган. Акс ҳолда у шундай бир ноёб, умидбахш шеърнинг охирида қуйидаги байтни ёзмаган бўларди:

Кўрқарам, — ҳирмон саҳобин ёпмағай, — фаҳм этса чарх — Ким шабистон меҳр шамъидин мунаввардур манга.

Мазмуни: Бирок чарх (тақдир) меҳр шамъидан ёруғ бўлиб кетганини кўриб, Кўрқаманким, устимизга ҳижрон булутларини ёпмас! — деб.

Чиндан ҳам Навоийнинг ишқ соҳасидаги хурсандчилиги узоққа бермаган. Унинг оила қуриш билан боғлиқ кўп ҳаракатлари муваффақиятсиз чиққан ва бундан ич-ичидан афсусланган.

Навоий кейинчалик "Менмудур — менким..." деган бошлама билан яна бир ғазал ёзган. У шоирнинг "Навоидируш-шабоб" девонидан ўрин олган бўлиб, қуйидагича бошланган:


Менмудур — менким, кўнгулдин айрумен, жондин доғи; Аллоҳ-Аллоҳ, не кўнгул, не жонки, — жонондин доғи.

Лекин бу ғазални шоирнинг аънавий ишқий ғазаллари сирасига киритиш ўринли бўлар, деб ўйлайман.

ҲАМИД НОРҚУЛОВ

Элғиз ўғлимизнинг умрини шунчалик қисқа қилиб, нега энди биздан омонатини тезроқ олмайди. Яратган эгам умримизни бунчалик чўзиб, бизга бераётган жувосидан хабардоримкан. Бундан кўра...

Кампир ҳаёб билан кўмилмай қолган узумнинг устунига урилиб



кетишига сал қолди. Кўлига супургини олиб ўчоқ олдини тозалашга киришди. Мўмин бува ҳовлига чиққанида момо томорқага ўтадиган ариқча лабида идишларни ювиб ўтирарди.

Кампир, тўйга боргин. Ҳеч бўлмаса сен аралашиб тур. Нима қиламиз, пешонамизга битгани шу экан-да,— деб бува томорқа эшигидан чиқиб кетди.

Момо тўйхонага келганида карнай-сурнай садолари остида машинадан безатилган бешик, болалар аравачаси ва у тушунмайдиган яна алланарсаларни келинлар бирма-бир ичкарига ташир эдилар.

Уни ичкаридагилар тўрға тақиф этишди. Момо тортилган овқатларга фотиҳа ўқилган, кўпчилик қатори ўрнидан турди. Шу пайт уста Камолнинг хотини Аширой унга юзланиб:

— Тилла момо, сиз ўтириб туринг, неварангизни бешик солди қиламиз. Узингиз белаб берасиз, илойим сиз билан бувамнинг ёшига етиб юрсин, — деди.

Момо тўйхонадан қайтгач, уйга кирмасдан томорқага чиқди. Чоли у ерда кўринмас, озгина ўрилган беда устида фақат чопони ётарди. Шошиб уйга кирди.

Бува йиллаб эски омборхонада осигилқ турган бешикни уй ўртасига қўйганча, уни йўқ тузатмоқчи бўлар, қўлидаги кичкина болгачани унинг қаерига уришни билмасди.

— Тинчликми? Бува бепарвогина жавоб берди: — Тинчлик, кампир, тинчлик, шундай ўзим, кўнглимга бир гап келди. Ахир бу ҳам бизга ўхшаган бечора, ҳеч ким унга қарамаса, ҳеч ким уни бешикмисан демаса, у ҳам хўрлиги келиб йиғлайди-да. Бунга уйга киритдим гўё ўлгинг тирилиб қайтиб келгандек бўлди, кампир.

Момо бешикнинг гапидан чўчиб тушди ва бешикка баргини отиб ўкириб юборди. Шу тун бум-бум бешик чол билан кампирнинг ўртасига солинган тўшақда эрталабгача тебраниб чиқди...

Калбагаги тўғу

БЕШИК

Тилла момо молхонани тозалаб бўлгач, сигирнинг олдида чоли майдалаб қирқиб қўйган пичани солди-да, ҳовлини супуриш учун қўлига супурги олди. Шу пайт дарвозадан ёш боланинг "Мўмин бува, ҳо Мўмин бува" деган овози эшитилди. Эшикни очиб қишлоқнинг нариги бошида турадиган уста Камолнинг боласига кўзи тушди.

— Бешик тўйга айтиб юрган эдим, — деди бола момонинг узатган қўлига елка тутиб, — борингизлар соат бирга.

Дарвозани қайта ёпган момо чуқур "ух" тортиди-да, негадир ҳовли супуриш ниятидан ҳам қайтди. Уйга кирганида Мўмин бува қора ипни сақичдан ўтказиб маҳсисига ямоқ солишга киришганди.

— Ким у, кампир, тинчликми? — Тинчлик, уста Камолнинг ўгли бешик тўйга айтиб кетди. — Бугунгами? — Ҳа, тушга экан, борасизми? — деб момо чолига қаради.

У кейинги пайтларда чолининг уйдан айлиниб кўчага чиқмаслигини, қишлоқдаги тўй-тумолоққа ҳам камҳафсала бўлиб қолганини сезар, бунинг сабабини ўзи ҳам тушуниб, унга билдирмасдан ўчоқ бошида, молхона ичида кўнглини юмшатиб оларди.

— Сен бориб келақол, кампир, мен томорқадаги бедани озгина бўлса ҳам ўриб қўяй. Тўйга борсам кун ўтади,— деди чол бизиз билан ямоқнинг игна ўтадиган жойини тешиб.

— Чол, ҳадеб уйга қамалиб ўтиравермай, кўча ҳатлаб қансиз сал енгил тортасизми, девдим-да,— деб кампир чолининг олдида чойнак билан пиёла қўйди.

— Йигирма йилдан ортик вақт ўтди, кампир, енгил тортаганимга. Энди сафарнинг сўнигда енгил тортаримдим. Тўй-тумолоққа борсам ўлгинг кўз олдимга келаверади. Хизмат қилиб юрганларни кўрсам бир эзиламан, болаларни кўрсам бир... Ке қўй, яхшиши кўрмайин ҳам, кўймайин ҳам.

Чол тиккан ямоқнинг устига бир томчи ёш тушганини кўрган момо ўрнидан туриб ҳовлига чиқиб кетди.

"Э, тақдир деганларининг қаҳри ҳам шунчалик тош бўлади-ми-а."

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубият маркази



"Ўзбекцирк" Давлат бирлашмаси, Ўзбекистон маданият ходимлари касаба уюшмаларининг Республика Марказий қўмитаси, Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси, Республика "Mahalla" газетаси, Андижон вилоят ҳокимлиги Маданият ишлари бошқармаси, Хонобод шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида

2004 йилнинг 24-26 июнь кўнлари "Меҳр ва муруват йили" Давлат дастури доирасида машҳур дорбозлар Усмонжон Нишонбоев, Кимсанжон Назаралиев ва Мадаминжон Юсуповлар хотирасига бағишлаб миллий дорбозлар, аънавий цирк санъати жамоалари ва ҳаваскор қўтирчоқ театрларининг учинчи республика кўрик-фестивали ўтказилади.

Кўрик-фестивал 24 июнь кўни соат 10.00 да Хонобод шаҳрининг марказий майдонида бошланади. Ҳолиларнинг яқунловчи томошаси 26 июнь кўни соат 17.00 да бўлиб ўтади

КўРИК-ФЕСТИВАЛИНИНГ ШАРТЛАРИ:

Мазкур кўрик-фестивални ўтказишдан асосий мақсад — дорбозлик, аънавий цирк санъатини янада ривожлантириш, уларнинг ижро маҳоратларини қай даражада юксалганлигини аниқлаш, халқ орасида етишиб чиқаётган истеъдод эгаларини кашф қилиш ҳамда ҳаваскорлик қўриқчоқ театрларининг фаолиятини янада ривожлантиришдир. Ҳаваскор,

кўғирчоқ театрларида қўйилётган асарларнинг бадиий савиясини юксалтириш, айниқса, мамлакатимизнинг келажаги бўлган болалар тарбиясига мос ва уларнинг дунё қарашларини бойитадиган асарлар сахналаштиришни кенг миқёсда йўлга қўйишда кўмаклашишдан иборат.

Кўрик-фестивал уч бошқича ўтказилади. Туман-

лар, вилоятлар миқёсида бадиий жамоалар ўзаро ижодий беллашадилар. Ҳолиб деб топилган жамоалар 2004 йилнинг 24-26 июнь кўнлари Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида ўтказилган учинчи бошқича беллашадилар. Фестивалда иштирок этадиган бадиий жамоаларнинг дастурлари қуйидаги йўналишда бўлиши лозим:

Миллий дорбозлар гуруҳлари: — миллий дорбозлик санъатининг катта дор ва сим дор ўйинлари; — масҳарабозлик (дор остидаги) ва ёғоч оёқ ўйинлари; — полвонлик, иллюзион, акробатик машқлар ва ҳоказо.

Аънавий цирк санъати жамоалари: — бошловчилар, масҳарабозлар ва кўзбойловчиларнинг чиқишлари; — йог, жанглёрлик, акробатик машқлари, полвонлик ўйинлари; — ўргатилган ёввойи ва уй ҳайвонлари намойиши. Жамоалар фестивал беллашуварига алоҳида

кўрик дастурларини намойиш этишлари учун ижро вақти 30 дақиқа белгиланади. Дорбозлик жамоаларига уларнинг дор асбоб-анжомлари техник хавфсизлик бўйича мутахассислар кўригидан ўтиб, рухсат берилгачгина беллашуварда катнашишлари рухсат бериллади.

Кўғирчоқ театрлари жамоалари учун: — ўзбек халқ эرتаклари ва достонлари асосида болаларга мослаб сахналаштирилган кўғирчоқ спектакллари; — болалар ёзувчилари ва драматургларининг янги асарларидан намуналар; — кўғирчоқбозлик санъатининг турли жанрларидан фойдаланилган ҳолда томошалар ("Чодир ҳаёл", "Никоблар ва ҳоказо-лар) намойиш этиши.


Mahalla logo and contact information: Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Аъзам ГАДОЙБОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ

Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ

Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ. «Шарҳ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.



МАНАЖУМАЛАР МАБҒИРА

КҮЙ (21.03-21.04)

Шу кўнларда бошлаган ишларингиз бароридан келиши учун сизда келишувчанлик ва лозим бўлганда ён бериш қобилияти етишмай қолади.

СИГИР(22.04-20.05)

Турли ҳужжатлар, маълумотномалар билан ниҳоятда эҳтиёт бўлиб ишламасангиз, яқин кўнларда бошингиз галвага қолади.

ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)

Ҳаммининг ваъдасига ишониб кетаверсангиз, яқин кўнларда мўлжаллаган ишларингиз барбод бўлиши мумкин. Яқин кўнларингизга ишонч билдириш.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Шу кўнларда кайфиятингиз жуда тушиб кетган. Бунинг оқибатида битай деб турган юмушларингиз ҳам кейинга қолади. Қолган ишга эса «кор ёғад», ҳатто ёзда ҳам.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Иш жойингизда бироз қалтис вазиятда қоласиз. Сизни қулоққондан чиқаришга интилувчиларнинг умидини пучга чиқаришингиз лозим.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Бордию шу кўнларда қимматли қорғазлар ва маблаг жамғармаси билан боғлиқ турли муаммоларни орқага ташай олсангиз, кайфиятингиз аяло бўлади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Янги иш бошлашга унчалик ҳам ошиқ-каверманг. Аввал ҳовлиқмай ўйлаб кўринг-чи, балки аини дамда машғул бўлган ишингиз барчасидан афзалроқдир.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Яқин кўнлардаги вазият сўздан «Ишонмагин дўстинга, сомон тикар пўстинга» деган мақолага риоя этишни талаб этади. Ҳушёрлик ҳеч қачон зарар қилмайди.

ЎКОТАР (23.11-22.12)

Ворқа-ҳодисаларни тезлаштиришга, уларга ўзгаришга беҳуда уринманг. Куч-ғайратингизни ҳавога сарфлаганингиздан афсус қиласиз қолас.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Узоқ йиллик тажриба ва ишга бўлган жиддий муносабат аини кўнларда сизга кўп ишларда ва вазиятларда қўл келиши мумкин. Натижалардан қувонасиз.

КОВҒА (20.01-18.02)

Иш юзасидан турли таниш-билишларни ишга солиш нима учундир аини кўнларда сизга ёрдам эмас, ҳалакат беради. Ўз кўчингизга ва маблагингизга ишониб иш тушинг.

БАЛИК (19.02-20.03)

Бирор нохуш ҳолат юз берганда ҳам унинг оқибатини сўнғий ошириш ярамайди, бу вазиятни баттар чиқаллаштиради ва кайфиятингизни туширади.

Утеранный гос. ордер 08-01/19813 выданный 05.02.93г. о праве собственности на имя Кукушкиной Эльвиры Валерьевне на квартиру считать не действительным.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги «ВРОК АНТАРИС» МЧЖ тугатилди. Даволар муддати икки ой. Манзил: Токент шаҳар, А.Қаҳор кўчаси 46 а-уй. Тел: 115-24-56.